

488 - وَعَنْ حَبَّابِ بْنِ الْأَرْتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: هَا جَرَنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، تُلْتَمِسُ وَجْهَ اللَّهِ تَعَالَى؛ فَوَقَعَ أَجْرُنَا عَلَى اللَّهِ، فَمِنَّا مَنْ مَاتَ لَمْ يَأْكُلْ مِنْ أَجْرِهِ شَيْئًا، مِنْهُمْ: مُضْعِبٌ بْنُ عُمَيْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قُتِلَ يَوْمَ أُحْدٍ، وَتَرَكَ نَمَرَةً، فَكُنَّا إِذَا عَطَّيْنَا بِهَا رَأْسَهُ، بَدَتْ رِجْلَاهُ، وَإِذَا عَطَّيْنَا رَجْلَيهِ، بَدَأَ رَأْسَهُ، فَأَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نُعَطِّي رَأْسَهُ، وَنَجْعَلَ عَلَى رَجْلَيهِ شَيْئًا مِنَ الْإِذْخِرِ، وَمِنَّا مَنْ أَيْنَعَتْ لَهُ ثَرْتُهُ، فَهُوَ يَهْدِبُهَا. مُنَفَّقٌ عَلَيْهِ [خ 1276، م 940].

«النِّمَرَةُ»: كِسَاءٌ مُلَوَّنٌ مِنْ صُوفٍ، وَقَوْلُهُ: «أَيْنَعَتْ» أَيْ: نَصِحَّتْ وَأَدَكَتْ، وَقَوْلُهُ: «يَهْدِبُهَا» هُوَ بِفَتْحِ الْيَاءِ وَضَمِّ الدَّالِّ كَسِيرَهَا – لُغَتَانِ – أَيْ: يَقْطُفُهَا وَيَجْتَنِبُهَا، وَهَذِهِ اسْتِعَارَةٌ لِمَا فُتَحَ عَلَيْهِمْ مِنَ الدُّنْيَا وَمَكَنُوا فِيهَا.

488. Хаббоб ибн Арат розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Аллоҳнинг розилигини истаб ҳижрат қилдик. Ажримиз эса Аллоҳнинг зиммасида бўлди. Биздан баъзилар ажридан ҳеч бир нарса емай, оламдан ўтиб кетишиди. Улардан бири Мусъаб ибн Умайр эдилар. Бу киши Уҳуд куни ўлдирилган эди. Биттагина намира* кийимлари бор эди, холос. Агар уни бошларига ёпсак, оёқлари очилиб қолар эди, агар уни оёқларига ёпсак, бошлари очилиб қолар эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уни) бошларига ёпишни, оёқларига эса изхир номли ўсимликни қўйишни буюрдилар. Ичимизда ҳосили етилиб, уни териб юрганлар ҳам бор».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Намира – жундан қилинганды, оқ-қора йўлли, попук ҳошияли устки кийим.

Изхир – Маккада ўсадиган хушбўй ўсимлик.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу шаҳиди аъло бўлганларида ёшлари қирқда эди.

Уламоларимиз:

«Аллоҳ таолонинг Аҳзоб сурасидаги:

«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содик қолган кишилар бордир. Бас, улардан баъзилари ажалини топди. Баъзилари эса, интизор бўлиб турибди. Улар бирор нарсани алмаштиrmадилар», деган қавлийи Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва у кишининг шаҳид биродарлари ҳақида нозил бўлган», дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва у киши билан бирга Ухудда иймон йўлида шаҳид бўлган зотларни муносиб тақдирладилар. Ўша куни мусулмонлар учун катта мусибат етганига ва ўзларига катта қийинчиликлар ориз бўлганига қарамай Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жанг майдонида сочилиб ётган мурдалар ичидан Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг жуссаларини излаб, топдилар. У зот ўзларининг биринчи элчилари, биринчи даъватчилари ва биринчи байроқдорлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг қонга беланган муборак жасадига алам билан назар солиб, туриб қолдилар. Сарвари оламнинг кўзлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг биргина эски чопонидан иборат кафанига ҳам тушди ва дарду алам билан шаҳиди аъло сахобийга қараб:

«Сени Маккада кўрган эдим. Унда сендан кўра кийими рақиқроқ, сочи гўзалроқ одам йўқ эди. Энди бўлса сен сочинг тўзиган ҳолда биргина чопондасан», дедилар.

Сўнгра оламларнинг сарвари Пайғамбар алайҳиссалом Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга ва у кишининг шаҳид биродарларига қаратада:

«Аллоҳнинг Расули шоҳидлик берурки, албатта, сизлар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуридаги шоҳидларисиз», дедилар.

Бу сўзларни айтиб бўлганларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тирик қолган сахобаи киромларга мурожаат қилиб:

«Сизлар уларни зиёрат қилинглар. Уларнинг ҳузурларига келиб туринглар. Уларга салом бериб туринглар. Менинг жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, қиёматгача қай бир салом бергувчи уларга салом берса, албатта,

улар алик олурлар», дедилар.

Бир йил ўтганидан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам яна келиб, Уҳуд шаҳидлари қабри устида худди тобутдаги майитга жаноза ўқигандек жаноза ўқидилар.

Манба: hadis.islom.uz

